

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВА МУАЗЗАМХОН ИЛХОМИДИНОВНА

**БОЛАЛАРДА ИДИОПАТИК ЭПИЛЕПСИЯНИНГ КЛИНИК-
ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдуллаева Муаззамхон Илхомидиновна

Болаларда идиопатик эпилепсиянинг клиник-иммунологик

хусусиятлари 3

Абдуллаева Муаззамхон Илхомидиновна

Клинико-иммунологические особенности идиопатической эпилепсии

у детей 27

Abdullayeva Muazzamhon Ilkhomidinovna

Clinical and immunological features of idiopathic

epilepsy in children 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 55

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВА МУАЗЗАМХОН ИЛХОМИДИНОВНА

**БОЛАЛАРДА ИДИОПАТИК ЭПИЛЕПСИЯНИНГ КЛИНИК-
ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib913 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маджидова Якутхот Набиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Душанова Гульсум Абдурахмановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Джурабекова Азиза Тахировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Россия фанлар академияси федерал бюджет ташкилоти Н.П. Бехтерева номидаги Инсон мияси илмий текшириш институти

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «26» ноябр куни соат 12:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (055 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50).

Диссертация автореферати 2021 йил «18» ноябр куни таркатилди.
(2021 йил «18» ноябр даги 1020 рақамли реестр баённомаси)





Д.Т. Ходжиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент



С.С. Пулатов

Илмий даражалар берувчи берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент



Г.А. Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра “Ер юзидаги ҳар 1000 нафар кишидан 4-10 нафари фаол шаклдаги эпилепсиядан азият чекади”. Бу энг кўп тарқалган неврологик касалликлардан биридир.¹ Ҳозирги вақтда кўплаб иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда эпилепсия билан оғриганлар сони ортиши тенденцияси кузатилмоқда. Турғун эпилептик хуружлар саломатликка бевосита таъсир этгани ҳолда руҳий-ижтимоий, хулқий ва когнитив оқибатларга эга бўлиб, болаларнинг ногиронлашуви ва ижтимоий дезадаптациясига олиб келади. 75% болаларда эпилепсия биринчи марта болалик ва ўсмирлик ёшларида намоён бўлади, шу сабабли у болалар неврологиясининг энг кўп патологик ҳолатларидан ҳисобланади. Охириги вақтда кўплаб касалликларнинг генезида ягона нейроиммунологик тармоқнинг иштирокига борган сайин кўпроқ эътибор берилмоқда. Ушбу касалликлардаги нейроген иммунтанқисликларнинг асосида нейроиммун таъсирлашувнинг дизрегуляцияси билан боғлиқ марказий асаб тизимининг (МАТ) ёрқин нейрокимёвий ва органик шикастланишлари ётади. Ушбу муносабат билан МАТ ва иммун тизимининг биорегуляторлари бўлган нейромедиаторлар, нейропептидлар ва цитокинларга нисбатан аутоантитаналар энг кўп қизиқиш уйғотади.

Бугунги кунда бутун дунёда идиопатик эпилепсиянинг патогенези ва кечишини прогнозлашда клиник-нейроиммунологик параллелларнинг роли ва ундан кейинги ташхислаш ва терапевтик ёндашувларни оптималлаштиришни ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда идиопатик эпилепсияга чалинган болаларда когнитив функциялар ҳолатини ўрганиш ва нейропсихологик бузилишларнинг тузилмасини аниқлаш, патогенезнинг асосий механизмларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Шу билан бирга, мамлакатимизда идиопатик эпилепсияли болаларда хуружларнинг частотаси, касалликнинг давомийлигидан келиб чиқиб тузилмавий-морфологик, нейрофизиологик хусусиятларни ўрганиш, клиник-иммунологик таҳлил ўтказиш ва терапевтик ёндашувларни оптималлаштириш принципларининг асосланганлиги мазкур муаммонинг замонавий ечимини талаб этади. Юқоридагиларда келиб чиқиб, мазкур тадқиқот долзарб ва аҳамиятлидир. Ҳозирги вақтда юртимизда замонавий технологияларни қўллашни кенгайтириш ҳисобига мамлакат аҳолисига, шу жумладан, эпилепсия билан хасталанган оналардан туғилган болаларга ҳам тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилаш назарда тутилмоқда, бу эса болалар ҳаётини яхшилашга имкон беради².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 сон, 2017 йил 16 мартдаги “Шошинч тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4985-сон, 2018 йил 7 декабрдаги

¹ ЖССТ ахборот бюллетени. Эпилепсия. 20 июндаги 2019 йил янгиланиш.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

“Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштиришнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5590-сон Фармонлари ва 2017 йил 20 июндаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида”ги ПҚ-3071-сон қарори, шунингдек, мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни ҳал этишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўплаб асаб-руҳий касалликлар, шу жумладан, эпилепсиянинг негизида иммунопатологик механизмлар ётади (В.В.Алферова ва бошқалар., 2010; L. Errichiello et al., 2009; D.S. Khurana, 2013). Хусусан, жароҳатланишдан кейинги эпилепсияли болаларда иммун тизимининг гуморал ва ҳужайра бўғинларидаги фаолликнинг ўзгариши таҳлил этилган, нейромедиаторлар ва носпецифик оксилларга нисбатан антитаналар даражасининг ортиши кўринишидаги аутоиммун жараёнлар аниқланган. (Ф. К. Дзугаева, 2004; О. А. Никитина ва ҳаммуаллифлар, 2006; А. В. Прохорова, 2011). Бироқ нейроиммун бузилишлар ва касалликнинг турлича кечиши, эпилепсия шакли билан эҳтимолий алоқаси охиригача ўрганилмаган.

2009 йилда Ўзбекистон эпилепсияга қарши лигаси ташкил этилди ва у ЦАЕ таркибига кирди. Эпилепсиянинг популяцияда тарқалганлиги бўйича маълум бўлган рақамларни (0,8-1,0%) Ўзбекистон аҳолисига экстраполяция қилган ҳолда Б.Г. Гафуров ҳаммуаллиф билан (2002) йилига 35000-40000 эпилепсия ҳолатларини қайд этишади. Бироқ, эпилепсияли болаларнинг реал сони қарийб 250-280 минг кишини ташкил этади, улардан деярли ярми болалар ва ўсмирлардир.

Г.С. Рахимбаева в.б. (2012) маълумотларига кўра Ўзбекистон Республикаси бўйича эпилепсия билан касалланиш кўрсаткичи 100 000 кишига 87,2 тани ташкил этади.

Иммунологик бузилишлар ва эпилепсиянинг турли клиник намоён бўлишлари ўртасидаги эҳтимолий боғлиқликни ўрганиш касалликлар кечишини уларнинг шаклига боғлиқ равишда прогнозлаш имконини тақозо этади.

Шундай қилиб, иммунологик механизмлар эпилепсия пайдо бўлиши интеграл назариясининг муҳим таркибий қисми бўлиб қолиши мумкин ва келгусидаги иммунологик тадқиқотлар ушбу касалликни янада яхши ташхислашга кўмаклашади, ҳамда янги терапевтик имкониятларни очиб беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институти

илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Болаларда туғма ва орттирилган касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олишни такомиллаштириш” (2016-2021 йиллар) амалий лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади болаларда идиопатик эпилепсиянинг клиник-нейроиммунологик хусусиятлари, касалликнинг патогенези ва кечишини прогнозлаш ҳамда ташхиси ва терапевтик ёндашувларини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

болаларда идиопатик эпилепсиянинг клиник ва нейрофизиологик хусусиятларини ўрганиш;

идиопатик эпилепсияга чалинган болалардаги когнитив функцияларни ўрганиш ва нейропсихологик бузилишлар тузилмасини аниқлаш;

нейротроп аутоантитаналарнинг S100, GFAP, NF-200 оқсиллар, МУО ва нейромедиатор, глутаматлар, ГАМК, дофамин, серотонин, холин ва вольтажга боғлиқ Са-каналга нисбатан иммунореактивлик ҳолатини ўрганиш;

идиопатик эпилепсияга чалинган болаларда хуружлар частотаси, касалликнинг давомийлиги ва когнитив танқисликка боғлиқ равишда клиник-иммунологик таҳлил ўтказиш;

клиник-неврологик, нейропсихологик ва нейроиммунологик тадқиқотлар асосида идиопатик эпилепсия оғирлигини балли баҳолашни ишлаб чиқиш;

болаларда идиопатик эпилепсияни даволашда патогенетик ёндашувларни оптималлаштириш (мақбуллаштириш) принципларини асослаб бериш.

Тадқиқот объекти сифатида 2018-2020 йиллар давомида Андижон вилоят психоневрология диспансери ва Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази неврология бўлимларида идиопатик эпилепсияли, 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган 120 нафар болаларни комплекс текширишда олинган маълумотлар хизмат қилди.

Тадқиқот предмети: шкалалар ва бош мия ЭЭГни қўллаган ҳолда неврологик ва нейропсихологик ҳолатни баҳолаш ҳамда ЭЛИ-Н-Тести ёрдамида қон зардобдаги нейротроп антитаначаларнинг даражасини аниқлаш.

Тадқиқот усуллари. Ишда умум қабул қилинган клиник-неврологик кўрик, неврологик танқисликни нейропсихологик шкалалар ёрдамида тадқиқ этиш, нейрофизиологик тадқиқотлар (бош мия ЭЭГси), иммунологик таҳлил (ЭЛИ-Н-Тест) ва тадқиқотнинг статистик усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагидан иборат:

идиопатик эпилепсияли болаларда S100, GFAP, МУО, NF200 оқсиллар ва нейромедиаторлар, глутаматлар, ГАМК, дофамин, серотонин, холин ва вольтажга боғлиқ Са-каналга нисбатан зардобли иммунореактивликни аниқлаш йўли билан иммун-биокимёвий силжишларни мультikomпонентли ўрганиш усуллари ишлаб чиқилди;

идиопатик эпилепсияли болаларда унинг шаклига боғлиқ равишда иммунореактивлик кўрсаткичлари тарқоқлигининг ортиши кўринишида мазкур оқсилларга нисбатан антитаналарнинг иммунореактивлиги силжишларининг хусусиятлари аниқланди;

мазкур патологиянинг нейроиммун ўзаро боғлиқлиги асосида идиопатик эпилепсияда патогенезнинг нейромедиаторли дисбаланс ва ААТ даражасининг GFAP ва МУО оқсилларга нисбатан ортиши билан характерланувчи ҳал қилувчи бўғинининг роли белгиланди;

табiiй аутоантитаналарнинг зардобли таркиби ва болалардаги идиопатик эпилепсиянинг шакллари, касалликнинг давомийлиги, хуружларнинг частотаси, когнитив бузилишларнинг мавжудлиги ва характери ўртасидаги корреляцион параллеллар аниқланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нейропсихологик тестни қўшиш МАТнинг органик шикастланишига эга бўлмаган, кўпроқ даражада нейродинамик бузилишлар ҳақида далолат берувчи идиопатик эпилепсияли болаларда когнитив функцияларнинг хусусиятларини аниқлаш имконини беради (кўп чарчаш, меҳнат қобилиятининг пасайиши, психик жараёнлар суръатининг ва ҳаракатчанлигининг сустлашуви, билим олиш фаолиятига бўлган рағбатнинг пасайиши, беқарор ихтиёрий диққат, қабул қилиш, диққат, хотира, психомотор фаолиятнинг ёмонлашуви);

нейрометаболик коррекция таркибидаги “Пантогам” ноотроп препарати идиопатик эпилепсияга чалинган болаларда психосоматик ва когнитив саломатликни ва улар ҳаётининг сифатини яхшилаш учун зарурлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотларда замонавий клиник-неврологик, инструментал усуллар, шунингдек, етарли даражада текширилган болаларнинг сони, идиопатик эпилепсияли болалардаги терапиянинг усулларини такомиллаштириш, статистик таҳлил усулларининг асосланган танлови билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти шундаки, патологик эпилептик тизимнинг шаклланиши кўп омилли жараён бўлиб, бунда касалликнинг ўзи патогенезида ирсий, нейрофизиологик ва иммунологик ўзгаришларнинг барқарор ўзаро боғлиқлиги ётувчи клиник аломатларнинг кенг спектрига эга. Болалардаги идиопатик эпилепсия намоён бўлиши ҳам эпилептик ўчоқнинг жойлашуви, ҳам хуружлар частотаси ва касалликнинг давомийлигига боғлиқ бўлган когнитив бузилишларнинг ривожланиши билан кузатилади.

Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, идиопатик эпилепсияли болаларда S100, GFAP, МУО, NF200 оқсиллар ва нейромедиаторлар, глутамат, ГАМК, дофамин, серотонин, холин ва вольтажга боғлиқ Са-каналига нисбатан антитаналар зардобли даражасининг ортиши идиопатик эпилепсия кечиши характерининг прогностик мезони бўлиб хизмат қилиши ва фармакорезистентликнинг кутилаётган ривожланишига далолат қилиши мумкин. Математик моделлаш касалликнинг этиологияси, шакли ва

давомийлиги, хуружларнинг частотаси ва оғирлигидан келиб чиқиб нейроиммунологик ўзгаришларга асосланган идиопатик эпилепсия оғирлиги ва кечишини прогнозлаш усулларининг ҳаққонийлигини оширади. Идиопатик эпилепсияли болаларда барқарор ремиссияга эришиш учун ҳам касалликнинг шакли, ҳам ЭҚПнинг болаларнинг когнитив функцияларига таъсирини ҳисобга олган ҳолда узайтирилган терапевтик дастурлар шаклланиши лозим.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши: Касалликнинг этиологияси, шакли ва давомийлиги, хуружларнинг частотаси ва оғирлигидан келиб чиқиб, нейроиммунологик ўзгаришларга асосланган болаларда идиопатик эпилепсия оғирлиги ва кечишини прогнозлаш бўйича олинган натижалар, шунингдек, когнитив ва нейропсихологик коррекция усуллари асосида қуйидагилар жорий этилди:

“Идиопатик эпилепсияга чалинган болаларда когнитив бузилишларни коррекциялаш усули” услубий тавсияномаси (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 27 апрелдаги №8н-р/364 сонли хулосаси). Олинган натижалар нейрометаболик коррекция таркибидаги ноотроп препаратлар идиопатик эпилепсияга чалинган болаларда психосоматик ва когнитив саломатликни ва улар ҳаётининг сифатини яхшилаш учун зарурлигини исботлайди.

«Болаларда идиопатик эпилепсияни кечишининг оғирлигини прогнозлашни балли баҳолаш» услубий тавсияномаси (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 27 апрелдаги №8н-р/365 хулосаси). Асоратлар ривожланишини индивидуал прогнозлаш когнитив ва нейропсихологик бузилишлар ривожланишини олдиндан кўра олиш ва даволаш-профилактик, ҳамда реабилитацион тадбирлар ишлаб чиқишга имкон яратади.

Илмий натижалар амалий соғлиқни сақлашга, шу жумладан Андижон вилоят психоневрология диспансери ва Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқлий маркази поликлиникасини клиник амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 майдаги № 8 н-д/ 153 сонли хулосаси). Таклиф этилган усулларни жорий этиш натижасида ижобий натижаларга эришилган: идиопатик эпилепсияли болаларда руҳий дезадаптациянинг 2,3 марта камайиши, улар ижтимоий фаоллигининг 2,6 марта ортиши; ҳаёт сифатининг 1,8 марта яхшиланиши.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг нашр килинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертациянинг ҳажми 131 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Эпилепсиянинг умумий ва долзарб масалаларига бўлган замонавий қарашлар (адабиётлар шарҳи)”** номли биринчи бобида адабиётларнинг аналитик шарҳи келтирилган бўлиб, эпилепсия билан касалланган таҳлил қилинган. Ушбу бобда адабиёт маълумотлари умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асослаб берилган.


Диссертациянинг **“Тадқиқотда қўлланиладиган услубий усуллар ва клиник материал тавсифи”** номли иккинчи бобида муаммони ечимини топишга имкон берувчи методологик ёндошувлар ва усуллар келтирилган. Тадқиқот асосига идиопатик эпилепсияли, 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган 120 нафар болаларни комплекс текширишда олинган маълумотлар киритилган. Текширилганлар иккита ёш гуруҳига бўлинган: 6-10 ёш – 70 нафар болалар (58,3%) ва 11-16 ёш – 50 нафар болалар (41,7%). Болаларнинг ўртача ёши $9,9 \pm 0,3$ ёшни ташкил этди. Текширилган идиопатик эпилепсияли болалар орасида ўғил болаларнинг қиз болалардан сўзсиз устунлиги қайд этилди, уларнинг нисбати 1:1,9 ни ташкил этди.

Идиопатик эпилепсия ташхиси ХКТ-10 (G40.3) асосида ва ILAЕ 2017 таснифи бўйича қўйилди (1- расм).

Қабул пайтида ҳар бир бола ЭҚП нинг терапевтик дозасини олиб юргани маълум бўлди. Болаларни тадқиқотга қўшиш мезонлари: 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар, госпитализация пайтидаги ёки анамнездаги эпилептик тутқаноқлар, идиопатик эпилепсия.

Истисно этиш мезонлари: 16 ёшдан катта ўспиринлар ва катталар, криптоген эпилепсия, сохта эпилептик тутқаноқлар, психоген реакциялар, конверсион тутқаноқлар (истерия).

Назорат гуруҳига асосий гуруҳдаги болаларга ўхшаб (ўртача ёши $10,1 \pm 0,2$ ёш), шу ёшдаги 15 нафар бола кирди, улардан: ўғил болалар – 10 нафар, қиз болалар – 5 нафар. Назорат гуруҳидаги болалар невропатолог ҳисобида турмаган ва ўрта умумтаълим мактабига қатнаб юришган. Назорат гуруҳидаги болалар ўртасида кўплари яхши ўзлаштиришга эга бўлган – 53,3% (15 та текширилгандан 8 нафари), аъло ўзлаштиришга эгалари – 20% (15 та текширилгандан 3 нафари) ва ўзлаштириши қониқарли бўлганлар – 26,7% (15 тадан 4 нафари).



1. расм. Эпилепсиянинг ILAE 2017 таснифи

Қабул қилинганда асосий гуруҳдаги 66,7% болалар (120 тадан 80 таси) ортиқча чарчаш, 38,3% (120 тадан 46 таси) тез-тез бош оғриши, 19,2% (120 тадан 23 таси) болалар уйқу бузилишидан шикоят қилишди (уйқуга кетишнинг қийинлиги, нотинч ва юзаки уйқу, қўрқинчли тушлар). 51 нафар бола (42,5%) мактабда ўқитилаётган материалларни ўзлаштиришга улгуришмаган. Хулқий ўзгаришлар ҳаракат кўзгалувчанлиги тарзида 69 нафар болада (57,5%) қайд этилди.

Қабул қилишда барча болаларда, неврологик ҳолатда 3 ойдан кўпроқ муддатли хуружлар бўйича клиник медикаментоз ремиссия, енгил ёки мўътадил ифодаланган умумий мия ва вегетатив бузилишлар, микроўчоқли микросимптоматика, пай рефлексларининг жонланиши кузатилди.

Неврологик ҳолатнинг тадқиқоти умум қабул қилинган услубиятга мувофиқ ўтказилди. Когнитив ва психологик ҳолат Люшер ва MMSE тести ёрдамида 120 нафар бола ўртасида ўрганилди.

ЭЭГ тадқиқотлар “НЕЙРОН – СПЕКТР - 2” аппаратида олиб борилди. ЭЭГ регистрацияси 60 нафар идиопатик эпилепсияли болалар ўртасида тадқиқ этилувчининг тадқиқот шароитларига 10 дақиқалик мослашувидан сўнг бажарилди.

Қон зардобидаги оқсиллар: нейрофиламент протеин-200 (NF-200), глиал фибрилляр нордон оқсил (GFAP), S-100, миелиннинг асосий оқили (MAO), вольтажга боғлиқ Са-канал (В-боғ. Са-канал), глутаматли рецепторлар (Глу-Р), дофаминли рецепторлар (DA-Р), ГАМК – рецепторлар (ГАМК-Р), опиатли рецепторлар (м-ОР), б-эндорфин рецепторларига (Р-б-энд) йўналтирилган нейротроп ауто-АТ нинг миқдори Москва «Иммункулус» МТМнинг ЭЛИ-Н-Тести ёрдамида аниқланди.

Когнитив соҳа ва руҳий ҳолатнинг кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида биз томондан ИЭ ли болаларни комплекс даволашга текширилган 120 нафар болалардан 60 нафарида қўлланилган Пантогам препарати тавсия этилди. Ушбу муносабат билан биз томондан ҳар бирида 60 нафардан бола бўлган 2 та даволаш гуруҳи ташкил этилди. Гуруҳлар жинс ва ёшга қараб рандомизация қилинди.

ИЭли болаларнинг асосий гуруҳидаги комплекс даволашда, Пантогам препарати 0,25 микдорда, суткасига 3 маҳалдан, микдорни 7 кун давомида 3 гр гача ошириш схемаси бўйича тайинланди, максимал микдорни қабул қилиш 15 кун давомида ва аста-секин камайтириш 7 кун давомида. Терапиянинг такрорий курси 3 ойдан сўнг ўтказилди. Қиёслов гуруҳида ноотроп препаратларсиз антиэпилептик терапия ўтказилди.

Даволаш самарадорлиги терапия бошлангандан 6 ой ўтгач баҳоланди.

Олинган маълумотларга статистик функцияларнинг кутубхонасидан фойдаланиш билан EXCEL пакетида ишлаб чиқилган дастур бўйича Pentium-4 шахсий компьютерида статистик ишлов берилди. Ўртача қийматлардаги тафовутларнинг аҳамиятлилик даражаси $P < 0.05$ бўлганида ишонарли деб ҳисобланди.

Диссертациянинг “Идиопатик эпилепсияли болалардаги клиник-неврологик ва нейрофизиологик бузилишларнинг тавсифи” номли учинчи бобида маълумотлар келтирилган. Фокал идиопатик эпилепсия (ФИЭ) 41 нафар, генерализациялашган идиопатик эпилепсия (ГИЭ) 79 нафар болада учради. ГИЭ энг кўп учради. Изоляцияланган тоник-клоник хуружли ГИЭ – 46,7%, болалар абсанс эпилепсияси – 12,5%, ювенал миокланик эпилепсия – 6,7% ҳолларда учради. ФИЭ 8,3% ҳолларда эпилепсиянинг роландик (РЭ) ва 25,8% ҳолларда Гасто типидagi идиопатик энса эпилепсияси билан намоён бўлди (ИЭЭ).

ИЭ ли болалар учун енгил, тарқоқ микросимптоматика текширилганларнинг 80,0% учун хос бўлди (1 жадвал).

1- жадвал

Идиопатик эпилепсияли болаларда объектив неврологик симптоматиканинг учраш частотаси

Объектив неврологик синдромлар	ИЭ (n=120)	
	Абс.	%
Пирамидали етишмовчилик	26	21,7
Бульбар бузилишлар	26	21,7
Моторли афазия	9	7,5
Калла қутиси ички гипертензияси	11	9,2
Координаторли бузилишлар	2	1,7
Тарқоқ церебрал микросимптоматика	96	80,0

1 жадвалидан кўриниб турибдики, ИЭда пирамидал етишмовчилик (21,7%), бош чаноғи ички гипертензияси (9,2%) ва координацион бузилишлар ҳаққоний камроқ қайд этилди (1,7%). Эпилепсиянинг идиопатик шакли билан оғриган болаларда ўчоқли неврологик симптоматика ва ақлий қобилятнинг пасайиш аломатлари кузатилмади. Айрим ҳолларда тарқоқ неврологик танқисликсиз неврологик микросимптоматика, масалан мускулли гипотония, анизорефлексия, енгил моторли ноқулайлик, бош чаноғи VII ва XII жуфт нервларининг енгил етишмовчилиги кузатилди. ИЭли болалар учун фақатгина бирламчи-генерализациялашган хуружлар характерлидир. Улар

орасида тоник-клоник 44,2% (53/120), абсанслар 37,5% (45/120) ва миоклоник хуружлар 18,3% (22/120) болаларда қайд этилди.

Берилган жадваллардан кўриниб турибдики, ИЭли болаларда ўртача частотадаги ва тез-тез хуружлар энг кўп кузатилди (46,7% (56 беморда) ва 35,0% (42 беморда)). Охирги 12 ойдаги тутқаноқларнинг абсолют сони $6,4 \pm 0,23$ тани ташкил этди.

MMSE тести маълумотларига кўра, идиопатик эпилепсияли болалар ўртача $26,2 \pm 2,9$ балл тўпладилар, бу эса худди шу ёшдаги ва жинсдаги деярли соғлом болалардан $29,9 \pm 2,2$ ($P < 0,05$) ишонарли тарзда фарққа эга бўлди. Улардан кўпчилик болалар (50,8% - 61 бола) хотира, қабул қилиш ва диққатни жамлашга тегишли саволларга жавоб бера олмадилар. Сифат интерпретацияси бўйича биз томондан ИЭли 49,2% болалар MMSE тести саволларига тўғри жавоб беришгани ва умумий $28,6 \pm 0,5$ балл тўплашгани аниқланди, бу когнитив соҳада бузилишлар йўқлигидан далолат беради (2 - жадвал).

2- жадвал

ИЭли болаларда MMSE шкаласи бўйича кўрсаткичлар

Натижалар интерпретацияси	ўртача балл	Болалар сони	
		Абс	%
28-30 балл - когнитив функцияларнинг бузилиши мавжуд эмас	$28,6 \pm 0,5$	59	49,2
24-27 балл – когнитив функцияларнинг бузилиши меъёрида	$25,3 \pm 0,6$	40	33,3
20-23 балл – энгил даражадаги аклий заифлик	$22,4 \pm 0,7$	12	10,0
11-19 балл – оғир даражадаги аклий заифлик	$17,9 \pm 0,8$	9	7,5

33,3% болалар ўртача $25,3 \pm 0,6$, балл тўплашди, бу меъёрдаги когнитив бузилишларга мос келди, 10,0% болалар ўртача – $22,4 \pm 0,7$ балл тўплашди, мазкур кўрсаткичлар шундан далолат берадики, мазкур болаларда энгил даражада намоён бўлувчи деменция кузатилади, 7,5% ҳолларда биз томондан мўътадил намоён бўлувчи когнитив бузилишлар аниқланди, улар ўртача $17,9 \pm 0,8$ баллни ташкил этди.

MMSE тести кўрсаткичларининг хуружлар частотаси билан корреляцияси $r = +0,628$ ни, касаллик давомийлиги билан корреляцияси эса $r = +0,795$ ни ташкил этди, яъни, яқин, тўғридан-тўғри корреляция мавжуд.

Когнитив дефектнинг аниқланган ифодалануви касалликнинг давомийлиги ва хуружлар частотаси билан тўғридан-тўғри корреляцияга эга. ИЭли болаларда корреляцион боғлиқлик ўртача бўлди ($r = +0,68$).

Антиконвульсантлар билан даволаш муддатлари турлича эди: 58 та болада (48,3%) 0 дан 2 йилгача; 47 та болада (39,2%) 2 йилдан 4 йилгача; 15 та болада (12,5%) 5 йил ва ундан кўп. Бунинг устига ИЭли болаларда кўп ҳолларда терапия давомийлиги 2 йилдан бошлаб ва 51,7% ни ташкил этди.

Люшер тести маълумотларини таҳлил этишда 66,78% болаларнинг эмоционал ҳолати меъёрда экани аниқланди. Болалар хурсанд, уларнинг кайфияти оптимистик, эмоционал фон атроф муҳитга мослашган (3-жадвал).

ИЭли болалардаги Люшер тести бўйича кўрсаткичлар


Натижалар интерпретацияси	Ўртача балл	Болалар сони	
		Абс	%
20 < ЭС < 32	25,3±0,6	40	33,3
10 < ЭС < 18	12,8±0,7	41	34,2
0 < ЭС < 8	7,9±0,4	39	32,5

33,3% ҳолларда ёмон кайфият ва кечинмалар ҳисобига салбий эмоцияларнинг устун келиши аниқланган. Мазкур ҳолат бола ўзи ҳал этолмайдиган муаммолар мавжудлиги ва шу сабабли психологик ёрдамга муҳтожлигидан далолат беради.

ИЭли болалардаги психоэмоционал ҳолат тез ҳолсизланиш ва диққатни жамлашнинг пасайиши, умумий тасавурларнинг танқислиги абсанс (19,4%), тоник-клоник (12,2%), тоник (5,1%), атоник (11,2%) ва клоник (3,1%) тутқаноқларда намоён бўлди. Психоэмоционал ҳолат бузилишларининг идиопатик эпилепсияли ва кўпроқ тутқаноқ тутадиган болалардаги янада кўпол эмоционал-шахсий ўзгаришлар билан характерланувчи тутқаноқларнинг давомийлиги ва частотасига ($p < 0,001$) боғлиқлиги аниқланди.


Вилоят психоневрологик касалхонасида ва вилоят кўп тармоқли болалар тиббий марказининг неврология бўлимида 2016 йилдан 2017 йилга қадар амбулатор ва стационар даволанишда бўлган, идиопатик эпилепсияли, 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган 60 нафар болаларни ЭЭГ усули билан нейрофизиологик текширишнинг натижалари келтирилган (32 та ўғил бола - 53%, 28 та қиз бола - 47%).

Барча болалар идиопатик эпилепсиянинг турига қараб икки гуруҳга бўлинди: биринчи гуруҳни идиопатик эпилепсиянинг генерализациялашган шаклига эга 40 нафар бемор болалар (67%), иккинчи гуруҳни идиопатик эпилепсиянинг фокал шакли билан оғриган 20 нафар бемор болалар ташкил этди (33%). Идиопатик эпилепсиянинг абсанс шакли билан оғриган болаларда гипервентиляция ўтказишда ЭЭГда давомли генерализациялашган авж тўлқинли фаолликнинг частотаси 3Гц ва ундан юқори бўлган разрядлари пайдо бўлди (1-расм). Генерализациялашган хуружли 50% болаларда хуружлараро даврда ЭЭГ меъёрида бўлди. Қолганларда хуружлараро даврда қисқа генерализациялашган авж тўлқинли разрядлар кузатилди. Генерализациялашган хуружларнинг тоник фазаси ЭЭГ да диффузион, амплитудаси бўйича 18-40 Гц ортадиган ва мунтазам равишда 10 Гцгача сустлашадиган тез ритм билан характерлидир.



1-расм. С. исмли, 6 ёшли, абсанс эпилепсияли беморда содир бўлган хуруж пайтидаги ЭЭГ-манзараси

Клоник фаза вақтида мазкур ритм аста-секин генерализациялашган авж тўлқинли фаоллик билан ўрин алмашди. Хуруждан кейинги релаксация фазасида диффузион дельта-фаоллик доминант бўлди, регионал феноменлар бўлмади (2 расм).




2-Расм. Д. исмли, 6 ёшли бемордаги хуружлараро даврдаги генерализациялашган тоник-клоник хуружларнинг ЭЭГ манзараси.

Фокал шакл билан оғриган болаларда хуружлараро даврда ЭЭГдаги ўзгариш 90% ҳолларда аниқланди, типик паттерн – комплекс, кескин – суст тўлқин. Бошланғич компонент одатда уч фазали кескин тўлқин ва ундан кейинги суст тўлқиндан иборат бўлди. (3-расм).

Мия биоэлектрик фаоллиги бузилишининг оғирлик даражаси Е. А. Жирмунская ва В. С. Лосевлар (1984 йил) томонидан таклиф қилинган таснифлаш бўйича баҳоланди. Баҳолаш 0 балл - «идеал меъёр» ҳолатидан 6 балл - «жуда кўпол бузилишлар» ҳолатигача бўлган континиумни акс эттирадиган олти балли шкала бўйича амалга оширилди (4- жадвал).

Олинган маълумотлар кўриниб турибдики, 2 – гуруҳдаги болаларда мия биоэлектрик фаоллиги бузилишларининг оғирлиги кўпроқ намоён бўлган, уларда ўртача балл $4,5 \pm 0,13$ ни ташкил этди, бу эса 1 – гуруҳдаги болалар кўрсаткичларидан 3 карра ортиқдир ($P < 0,01$).



3- расм. М. исмли, 7 ёшли фокал эпилепсияли бемордаги хуружлараро даврдаги ЭЭГ- манзара

4 жадвал

**Бош мия электр фаоллиги бузилишлари даражасининг таснифи
(рутин ЭЭГ маълумотлари бўйича)**

ЭЭГ бузилиш даражаси	1 гуруҳ (n=40)		2 гуруҳ (n=20)		Жами (n=60)	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
«Идеал меъёр»	2	5,0±2,3	-	-	2	3,3
«Меъёр варианты»	23	57,5±4,9*	2	10,0±3,4	25	41,7
Енгил бузилишлар	7	17,5±2,0*	1	5,0±2,0	8	13,3
Мўътадил бузилишлар	8	20,0±4,0	6	30,0±4,3	14	23,3
Сезиларли бузилишлар	-	-	7	35,0±4,8	7	11,7
Қўпол бузилишлар	-	-	2	10,0±3,0	2	3,3
Жуда қўпол бузилишлар	-	-	2	10,5±3,1	2	3,3
Ўртача балл	1,59±0,14		4,5±0,13*		2,3±0,12	

Изоҳ: * - $P < 0,05$ – гуруҳлардаги кўрсаткичлар ўртасидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги

Барча текширилганлар учун ўртача балл $2,3 \pm 0,12$ баллни ташкил этди.

Идиопатик эпилепсияли болалардаги хуружлараро даврдаги ЭЭГ ўзгаришлари маълумотлари 5- жадвалда келтирилган. Фонли ЭЭГ даги асосий қобик ритмининг мавжудлиги 2- гуруҳдаги 32,5% текширилган болалар ва 1 - гуруҳдаги 16,4% ($P < 0,05$) болаларда аниқланди; альфа-ритмнинг йўқлиги ва полиморф тебранишларнинг айримларида тез, айримларида суст тўлқинларнинг доминантлиги билан юзага келиши 1- гуруҳдаги 11 нафар болаларда ва 2 - гуруҳдаги 5 нафар болаларда аниқланди.

Шунингдек, биз томондан ЭЭГдаги зонавий фарқлар ҳам баҳоланди. Ёрқин зонавий фарқлар 1- гуруҳдаги 24 (60,0%) нафар болада ва 2- гуруҳдаги 6 (30,0%; $P < 0,05$) нафар болада сақланиб қолди; 1 - гуруҳдаги 12 (30,0%) нафар ва 2- гуруҳдаги 7 (35,5%) нафар болада бартараф этилди; идиопатик эпилепсияли 1- гуруҳдаги 10,0% ($P < 0,05$) ва 2- гуруҳдаги 35,5% ($P < 0,05$) болаларда бузиб кўрсатилди. Енгил деб таснифланган ЭЭГ диффузион ўзгаришлари: 1- гуруҳда 23 (57,5%) ва 2- гуруҳда 4 (20,0%; $P < 0,05$); мўътадил - 1 - гуруҳда 13 (32,5%) ва 2 - гуруҳда 8 (40,0%); ёрқин - 1 - гуруҳда 4 (1,0%) ва 2 - гуруҳда 8 (40,0%; $P < 0,01$). Барча кўрсаткичлар 1 ва 2 гуруҳлар ўртасида ҳаққоний равишда фарқланди ($P < 0,05$).

ЭЭГ турларини ташкиллаштириш характериға кўра ўзларининг энг муҳим тавсифини акс эттирадиган фонли ЭЭГнинг 4 та варианты ажратилди: уюшган (гуруҳлар бўйича мос равишда 37,5% ва 10,0%; $P < 0,01$), уюшмаган (мос равишда 40,0% ва 20,0%; $P < 0,05$), гиперсинхрон (мос равишда 10,0% ва 40,0%; $P < 0,01$) ва десинхрон (мос равишда 10,0% ва 30,0%; $P < 0,05$). ЭЭГ ўзгаришлари идиопатик эпилепсиянинг генерализациялашган шакли билан оғриган болаларда энг кўп даражада намоён бўлди.

5- жадвал

Идиопатик эпилепсияли болалардаги хуружлараро даврдаги ЭЭГ ўзгаришлари

Хуружлараро даврдаги ЭЭГ ўзгаришлари	ЭЭГ белгиси частотаси (n=60)	
	1 гуруҳ (n=40)	2 гуруҳ (n=20)

	Абс.	%	Абс.	%
Доминант фаоллик:				
Альфа - фаоллик	26	65,0±4,7*	8	40,0±4,9
Бета - фаоллик	11	27,5±4,5	5	25,0±4,5
тета ва дельта - фаоллик	3	5,5±2,3**	7	35,0±4,6
Зонавий фарқлар:				
Сақланган	24	60,0±4,9*	6	30,0±4,6
Баргараф этилган	12	30,0±4,5	7	35,5±4,9
Бузиб кўрсатилган	4	10,0±3,1*	7	35,5±4,9
Диффузионион ўзгаришлар:				
енгил	23	57,5±4,9*	4	20,0±4,0
мўътадил	13	32,5±4,6	8	40,0±4,9
Ёркин	4	10,0±3,1**	8	40,0±4,9
ЭЭГ турлари:				
Уюшган	15	37,5±4,8**	2	10,0±3,1
уюшмаган	16	40,0±4,9*	4	20,0±4,0
Гиперсинхрон	4	10,0±2,9**	8	40,0±4,9
Десинхрон	4	10,0±3,1*	6	30±4,5
Эпилептик фаоллик:				
Эпилептик феноменларнинг мавжудлиги	15	37,5±4,9**	17	85,0±3,4
Йўқлиги (мавжуд эмас)	25	62,5±4,9**	3	15,0±3,4

Изоҳ: * - ФИЭ ва ГИЭ кўрсаткичлари ўртасидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги (* - $P<0,05$; ** - $P<0,01$)

Шундай қилиб, рутин электроэнцефалографик тадқиқот хуружлараро даврда ўтказилди ва идиопатик эпилепсиянинг генерализациялашган шакли билан оғриган 50%, идиопатик эпилепсиянинг фокал шакли билан оғриган 90,0% болаларда эпилептик шакли фаолликни аниқлашга имкон берди. Нейрофизиологик таҳлил шуни кўрсатдики, бош мия биопотенциалларининг диффузион ўзгаришлари асосан мўътадил характерга эга бўлди. ЭЭГ ўзгаришлари энг кўп даражада идиопатик эпилепсиянинг фокал шакли билан оғриган болаларда намоён бўлди, бу уюшмаган ЭЭГ, альфа-ритмнинг йўқлиги, турли амплитудадаги суест тўлқинларнинг устунлиги билан характерланади.

Диссертациянинг **“Идиопатик эпилепсияли болаларнинг нейроиммунологик кўрсаткичлари ва уларнинг клиник кечишга таъсири”** номли тўртинчи боби нейроиммунологик кўрсаткичлар ўрганишга бағишланган. Идиопатик эпилепсияга чалинган 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган 36 нафар болалар текширилди (22 та ўғил бола; 14 та қиз бола). Барча болалар кўшиш ва чиқариб ташлаш мезонларини қўллаган ҳолда, стратификацияланган рандомизация усули билан амалга оширилган пухта, дастлабки анамнестик ва клиник танловдан ўтказилди. Идиопатик эпилепсияга чалинган болаларда зардобли аутоантитаналарнинг нейротроп оксилларга нисбатан даражаси 9,5 баравардан 47,8 бараваргача ($P<0,001$) кескин ошган. NF200 аксонларнинг специфик оксили ҳисобланади, унга нисбатан антитаналарнинг ортиши нерв толаларининг дегенерация жараёнлари билан бирга кечади, бу нарса текширилган ИЭли болаларда

кузатилади ($0,63 \pm 0,11$ га қарши $30,1 \pm 4,6$). Астроцитлар филаментлари специфик оқсили (GFAP) миқдорининг ИЭда 9,5 баравар ортиши ($1,21 \pm 0,15$ га қарши $11,5 \pm 8,8$) астроглиал хужайралар (глиоз) ўсишининг патологик жараёнларидан далолат беради (6-жадвал).

6- жадвал

Идиопатик эпилепсияга чалинган болалардаги нейротроп оқсилларга нисбатан зардобли аутоантитаналарнинг даражаси (ш.б.)

Кўрсаткичлар	ИЭ (n=36)	Назорат (n=16)	ИЭ ва КГ P<	↑ ИЭ/КГ
NF200	$30,1 \pm 4,6$	$0,63 \pm 0,11$	0,001	47,8
GFAP	$11,5 \pm 8,8$	$1,21 \pm 0,15$	0,001	9,5
S100	$37,9 \pm 8,8$	$1,1 \pm 0,16$	0,001	34,5
МУО	$10,0 \pm 8,6$	$0,95 \pm 0,14$	0,001	10,5

Текширилган болаларда ИЭда S100 нинг назорат гуруҳининг маълумотларига қарши юқори кўрсаткичлари ($1,1 \pm 0,16$ га қарши $37,9 \pm 8,8$) эмоционал бузилишлар билан кечадиган МАТ даги ўзгаришлар аломати бўлиб ҳисобланади (фобиялар, депрессия, агрессивлик). Қон зардобиди МУОга нисбатан антитаналар юқори кўрсаткичларининг пайдо бўлиши ИЭли болаларда гематозэнцефалик тўсиқнинг бузилганидан далолат беради ($0,95 \pm 0,14$ га қарши $10,0 \pm 8,6$; $P < 0,001$).

ААТнинг нейромедиаторлар рецепторлари лиганд-боғловчи сайтга нисбатан аномал ортиши (Глу-Р, ГАМК-Р, Доф-Р, Сер-Р ва Хол-Р) нейронларнинг тегишли тизимларидаги ўзгаришлардан далолат беради. ИЭли болаларда нейромедиаторлар рецепторларига нисбатан ААТ зардобли даражасининг юқорилиги болаларда нейромедиация ва нейропластикликни реализация қилишнинг турли механизмлари мавжудлигига далолат қилиши мумкин (7- жадвал).

ИЭга чалинган болалар кўрсаткичларини назорат гуруҳи маълумотлари билан қиёслаганда барча ўрганилаётган нейромедиаторларнинг рецепторларига нисбатан ААТ иммунореактивлиги индивидуал даражасининг ишонарли, бир йўналишли ортиши аниқланган.

ИЭли болалар гуруҳидаги СНЛ га нисбатан ААТ даражаси назорат гуруҳининг қийматидан 53,9 марта ортган ҳолатда ($P < 0,001$) $26,4 \pm 9,1$ ш.б.ни ташкил этди. ИЭли болалардаги нейроиммун ўзаро муносабатларнинг келгусидаги таҳлили шуни кўрсатдики, ААТнинг глутамат (GLU) ва вольтажга боғлиқ кальций каналларига (В-боғ.Са-канал) нисбатан даражаси ҳам ҳаққоний бўлиб чиқди. ИЭли болалар гуруҳида бу кўрсаткичлар назорат гуруҳи кўрсаткичларидан мос равишда 48,1 ва 60,2 марта ($P < 0,001$) ортган ҳолда мос равишда $54,1 \pm 7,8$ ва $27,7 \pm 8,6$ ш.б.ни ташкил этди.

7- жадвал


Идиопатик эпилепсияли болаларда нейромедиаторларга нисбатан зардобли аутоантитаналар даражаси (ш. б.).

Кўрсаткичлар	ИЭ (n=17)	Назорат	ИЭ ва КГ	↑
--------------	-----------	---------	----------	---

		(n=16)	P<	ИЭ/КГ
CHL	26,4±9,1	0,49±0,32	0,001	53,9
GLU	25,5±6,9	0,53±0,37	0,001	48,1
GABA	17,3±10,3	0,62±0,35	0,001	27,9
DA	54,1±7,8	0,56±0,15	0,001	96,6
SER	6,43±3,3	0,61±0,15	0,001	10,5
В-боғ.Са-канал	27,7±8,6	0,46±0,12	0,001	60,2
Опиатли рецептлар (м-ОР)	106,5±25,4	0,41±0,13	0,001	259,8
б-эндорфинлар рецепторлари (Р-б-энд.)	84,5±13,2	0,28±0,08	0,001	301,8

ИЭ да ААТнинг ГАМК, дофамин ва серотонинга нисбатан даражаси ҳам меъёрий кўрсаткичлардан юқори ва тахминан бир хил бўлди (ААТ GABA 17,3±10,3 ш.б., P<0,001; ААТ DA 54,1±7,8, P<0,001; ААТ SER 6,43±3,3 ш.б., P<0,001).


Мазкур таҳлил натижасида эпилепсия давомийлиги ва барча ўрганилаётган нейротроп оксилларга нисбатан ААТ даражаларининг ўртасида ижобий корреляция аниқланди (4-расм).



4 Расм. Эпилепсия давомийлиги ва ААТнинг NF200, Gfap, S100 ва MYOларга нисбатан даражалари ўртасидаги корреляция кўрсаткичлари


Текширилган болалардаги хуружлар частотаси ва ААТ маълумотлари даражаси ўртасидаги аналогик тўғридан-тўғри боғлиқлик аниқланди. Боз устига мазкур боғлиқлик эпилепсиянинг этиологик омилига боғлиқ бўлмади.

Мазкур таҳлил натижасида эпилепсия давомийлиги ва ААТнинг барча нейромедиаторлар рецепторларига нисбатан даражалари ўртасида ижобий корреляция аниқланди (5- расм).



5. Расм. Эпилепсия давомийлиги ва ААТнинг нейромедиаторлар рецепторларига нисбатан даражалари ўртасидаги корреляция кўрсаткичлари

Нейромедиаторлар ва пароксизмлар частотаси ўртасидаги корреляцияни ўрганиш пароксизмлар сонининг нейромедиаторлар даражасига тўғридан-тўғри ўртача ва кучли боғлиқлигини аниқлаб берди. Нейротроп АТнинг хуружлар частотаси билан яқин боғлиқликда ортиши қонунияти нейроиммун дизрегуляциянинг қийинлашувидан далолат беради (6 расм).



6. Расм. Пароксизмлар сони ва НААТ нинг нейромедиаторлар рецепторларига нисбатан даражалари ўртасидаги корреляция кўрсаткичлари

